

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH  
SPECIAL ISSUE-2



# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-2>

Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:  
Заместитель главного редактора:  
Deputy Chief Editor:

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'affor**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Artur Gambaryan**

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

**Yosuke Shamoto**

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslovovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Egamberdiyev Eminjon**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Skripnikov Nikolay Kuzmich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salayev Nodirbek Saparbayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farxod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

<b>1. Қиличев Хайрулла Маматович</b> ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	5
<b>2. Ubaydullayev Abror Qutpilla o‘g‘li</b> ISLOM MOLIYA HUQUQI: TUSHUNCHASI, MAZMUNI VA ISTIQBOLLARI.....	15
<b>3. Ходжаев Бахшилло Камолович</b> ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ СИФАТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР ТРАНСФЕРИ ВА УНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ.....	21
<b>4. Юсупова Мухбира Абдухоликовна</b> ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ПРОБЛЕМЫ ИХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОГО ГРАЖДАНСКОГО ОБОРОТА.....	29
<b>5. Жуманов Тўлқинбой Саттарович</b> ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА КАДРЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР.....	40
<b>6. Абзалова Хуршида Мирзиятовна</b> ЧТО ОЗНАЧАЕТ «ПРАВО НА ЗАБВЕНИЕ» («ПРАВО БЫТЬ ЗАБЫТЫМ, ПРАВО НА УДАЛЕНИЕ ДАННЫХ»)?:.....	48
<b>7. Имомназаров Алишер Хасанович</b> КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ.....	56
<b>8. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Мамазова Зарифа Курбановна</b> ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР РАҚОБАТИДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИГА КЎРА ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	68
<b>9. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Рашидов Фируз Туйғунович</b> ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ҲУДУД БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ.....	78
<b>10. Аҳмадов Алимардон Аҳмадович</b> “ЖИНОИЙ АКТИВЛАР”НИ ҚАЙТАРИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР.....	90
<b>11. Баракаев Лазизжон Отақулович</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА ТАФТИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	104
<b>12. Турсунова Маликахон Улуғбековна</b> РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИНГ ДИПЛОМАТИК ХИЗМАТГА ТАЪСИРИ: ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	113




**12.00.07-СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ. ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР. ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. АДВОКАТУРА**

**Жуманов Тўлқинбой Саттарович,**  
 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
 Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан  
 таъминлаш департаменти бошлиғи ўринбосари  
 E-mail: jumanov.to‘lqinboy@mail.ru

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА КАДРЛАРНИ  
 ТАНЛАШ ВА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
 МУАММОЛАР**

**For citation:** Jumanov Tolqinboy Sattarovich. INTERNAL AFFAIRS AUTHORITIES TO THE INSTITUTION OF HIGHER EDUCATION RELATING TO THE SELECTION AND TRAINING OF PERSONNEL ORGANIZATIONAL-LEGAL PROBLEMS. Journal of Law Research. 2023, Special issue 2, pp.40-47

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8113957>

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада ички ишлар органлари олий таълим муассасасига кадрларни танлаш ва тайёрлаш билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида хорижий олимлар фикрлари ва норматив ҳужжатларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилиб, назарий таҳлил қилинган. Бундан ташқари, муаллиф ички ишлар органларида олий таълим муассасасига кадрларни танлаш ва тайёрлаш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни кўтарган ҳамда уларнинг ечими бўйича тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиққан.

**Калит сўзлар:** ички ишлар органлари, дастлабки танлов, махсус касбий танлов, яқка тартибдаги якуний суҳбат, кадрлар, кадрларни танлаш, кадрларни тайёрлаш, кадрларни жой-жойига қўйиш.

**Джуманов Толқинбой Саттарович,**  
 Заместитель начальник Департамента духовно-просветительской работы и кадрового обеспечения  
 Министерство внутренних дел Республики Узбекистан  
 E-mail: jumanov.to‘lqinboy@mail.ru:

**ОРГАНЫ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ ВУЗА ОТНОСИТЕЛЬНО ПОДБОРА И ОБУЧЕНИЯ ПЕРСОНАЛА ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ПРОБЛЕМЫ**

## АННОТАЦИЯ

В статье изучены проблемы, связанные с подбором и подготовкой кадров для высших учебных заведений органов внутренних дел и совершенствованием их организационно-правовых основ, мнения зарубежных ученых и конкретные аспекты нормативных документов и теоретически проанализировано. Кроме того, автор поднял организационно-правовые проблемы, связанные с подбором и подготовкой кадров для высших учебных заведений в органах внутренних дел и разработал соответствующие предложения и рекомендации по их решению.

**Ключевые слова:** органы внутренних дел, предварительный отбор, специальный профессиональный отбор, индивидуальное итоговое собеседование, кадры, подбор персонала, подготовка кадров, расстановка кадров.

**Jumanov Tolqinboy Sattarovich,**  
Deputy head of spirituality department  
educational work and staffing of the Ministry  
of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: jumanov.to‘lqinboy@mail.ru:

## INTERNAL AFFAIRS AUTHORITIES TO THE INSTITUTION OF HIGHER EDUCATION RELATING TO THE SELECTION AND TRAINING OF PERSONNEL ORGANIZATIONAL-LEGAL PROBLEMS

### ANNOTATION

In the article, the problems related to the selection and training of personnel for the higher educational institutions of the internal affairs bodies and the improvement of their organizational and legal foundations, the opinions of foreign scientists and specific aspects of the normative documents were studied and theoretically analyzed. In addition, the internal affairs bodies have developed relevant proposals and recommendations for the production of a production solution in everything that indicated the internal legal problems related to the selection and preparation of employees for the higher education institution.

**Keywords:** internal affairs bodies, preliminary selection, special professional selection, individual final interview, personnel, personnel selection, personnel training, personnel placement.

Миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, ходимларнинг маънавий салоҳияти ва мафқуравий иммунитетини кучайтириш, уларнинг онгида Ватан тақдири ҳамда келажаги учун дахлдорлик туйғуларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ фаолиятнинг устувор йўналишлари хисобланади.

Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидаги вазифаларни амалга оширилишини таъминлаш учун ички ишлар тизимида кадрларни тўғри танлаш, профессионал кадрларни тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйиш, хизмат ўташ фаолиятини ҳам тўғри ташкил этиш хисобланади. Чунки ички ишлар тизимда кадрлар тўғри танланса, профессионал даражада тайёрланса ва жой-жойига қўйилса, хизмат ўташ фаолияти ҳам тўғри ташкиллаштирилса, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг барвақт олди олиншига ва жиноятчиликка қарши курашишнинг самарадорлиги янада ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [1] билан ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича бир қатор устувор йўналишлар белгилаб олинди. Мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, ИИБ Академиясига жисмонан соғлом, маънан етук ва интеллектуал салоҳиятли ёшларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, 2017 йил 1 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги ва сиртки таълим шакллариغا номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу низом талабларига кўра, ИИБ Академиясига ўқишга қабул қилиш танлов, тенг ҳуқуқлилиқ ва қабул қилишнинг ягона қоидалари принциплари асосида қуйидаги босқичларда ташкил этилиши белгиланди, яъни:

- дастлабки танлов;
- махсус касбий танлов;
- якка тартибдаги якуний суҳбат.

Ушбу босқичларнинг биридан муваффақиятли ўта олмаган номзодлар кейинги босқичга қўйилмаслиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2021/2022-ўқув йилидан бошлаб, Ички ишлар вазирлиги Академиясида кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалавриат ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилди [2].

Бундан ташқари, тизим учун кадрлар тайёрлашни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида “узлуксиз ўқув-карьера” жараёни ҳам йўлга қўйилди.

Мазкур қарорнинг 1-банднинг иккинчи хатбошисида белгиланган “Академиядаги таълим тизими кадрларни мақсадли касбий тайёрлашга қаратилади ҳамда биринчи курсдан бошлаб мутахассислик ва юридик фанларни ўқитиш, жанговар ва жисмоний жиҳатдан тайёрлаш чуқурлаштирилган ҳолда амалга оширилади” деган қоидадан келиб чиқиб, бугунги кунда номзодлар Академиянинг кундузги таълим шаклига, яъни бакалавриат босқичига ўзлари танлаган мутахассислик йўналишлари бўйича ўқишга топшириши, танлов ҳам номзод танланган мутахассислик йўналиши доирасида ўтказилиши йўлга қўйилди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида [2] эса олий таълим бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланиши, олий таълим икки босқичга – бакалавриат ва магистратура босқичига эга эканлиги, бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича чуқурлаштирилган билим, малака ва кўникмалар берадиган, ўқиш давомийлиги камида уч йил бўлган **таянч** олий таълим эканлиги, магистратура эса тегишли бакалавриат негизидаги **аниқ мутахассислик** бўйича ўқиш давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълим эканлиги аниқ белгилаб қўйилган.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон қарорининг 1-банднинг иккинчи хатбошисида [3] келтирилган қоидалар “Таълим тўғрисида”ги Қонунга бироз бўлсада номувофиқ келганлигини кузатишимиз мумкин.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон қарорига Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги таълим шаклига номзодларни ўзи танлаган мутахассислик бўйича кириш имтиҳонларини топшириш қондасини бекор қилиш ва умумий тарзда танловда иштирок этиш қондасини** киритиш мақсадга мувофиқ деб уйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 6-банди саккизинчи хатбошисида “Академиянинг бакалавриат дастури бўйича кундузги таълим шаклига қабул квотасининг 90 фоизи бўйича қабул фақат идоравий академик лицейлар, ҳарбий академик лицейлар битирувчилари, ички ишлар органлари ходимлари, шунингдек, профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари орасидан амалга оширилади” [1] деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатдан янги тизими жорий этилганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги ва сиртки таълим шакллариغا номзодларни

танлаш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 1 декабрдаги 958-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 553-сон Қарорига асосан:

– Академия бакалавриатининг кундузги таълим шаклига ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган фуқаролар (ўрта мактаб ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари) умумий квотанинг ўн фоизи бўйича қабул қилиниши белгиланди [4].

Фикримизча, юқоридаги киритилган тегишли ўзгартиш ва қўшимчалардан келиб чиқиб, Академия бакалавриатининг кундузги таълим шаклига ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган фуқаролар (ўрта мактаб ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари) умумий квотанинг бор-йўғи ўн фоизи бўйича қабул қилинишининг белгиланиши бироз баҳсли. Чунки биринчидан, белгиланган маълум бир миқдордаги чегара ўқиш истагида бўлган барча ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқларини қайсидир маънода чеклашга сабаб бўлади, иккинчидан, танлов доираси канча кенг ва кўп бўлса, нисбатан сифатли ва кучли бўлган номзодларни танлаб олиш имконияти ҳам кўпаяди. Шу сабабли ҳам **қабул квоталари бўйича бундай чекловлар олиб ташланиши лозим** деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Олий таълим икки босқичга – бакалавриат ва магистратура босқичига эга бўлиб, магистратура тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича ўқиш давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон қарорига асосан 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, Ички ишлар вазирлигининг Академиясида кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалавриат ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилди. Мазкур қарор билан Академиянинг магистратура дастури бўйича ўқитиш ички ишлар органларининг раҳбар кадрларини тайёрлашга қаратилиши ҳамда иккинчи даражадаги “ташкилий-тактик бошқарув” ва биринчи даражадаги “ташкилий-стратегик бошқарув” йўналишларида ташкил этилиши белгиланди.

Ташкилий-стратегик бошқарув йўналиши бўйича ўқиш истагидаги номзодлардан ички ишлар органларида камида 3 (уч) йиллик амалий иш стажига, Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг шаҳодатланган профессор-ўқитувчиларидан (ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг юриспруденция йўналиши бўйича шаҳодатланган профессор-ўқитувчи лавозимларига фақатгина **тегишли йўналиш бўйича магистр даражасига** эга фуқаролар қабул қилинади) камида юриспруденция йўналиши бўйича 1 йиллик педагогик иш стажига эга бўлиш талаб этилади.

2021-2022 ўқув йилидан бошлаб ИИВ Академиясини кундузги ва сиртқи таълим шакли битирувчиларига бакалавр дипломи берилади, бу эса келгусида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш ниятида бўлган битирувчилар, магистр даражасига эга бўлмаганликлари сабабли, Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг шаҳодатланган профессор-ўқитувчилари лавозимларига тайинланиш имкониятига эга бўлмайди ва бир вақтнинг ўзида магистратурага кириш имкониятидан ҳам маҳрум бўлишади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сон қарорига кўра [5], олий таълимдан кейинги таълим факультети таянч докторантура ва мустақил изланувчилигига фақат тегишли йўналиш бўйича магистр даражасига эга бўлганлар қабул қилиниши белгиланган.

Бу эса, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни [2] билан белгиланган Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг ягона ва узлуксизлигига зид бўлади ва келгусида ички ишлар органларида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг узлуксизлигига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида келтирилган ички ишлар органларининг таълим тизимидаги бўшлиқни бартараф этиш мақсадида Ички ишлар органларида юриспруденция бакалавриат негизидаги юриспруденция мутахассислиги бўйича ўқиш давомийлиги камида бир йил бўлган, **олий**

малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашга мўлжалланган магистратура очиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Фиримизча, Академиянинг раҳбар кадрларни тайёрлашга мўлжалланган магистратурасининг номини аввалги номига, яъни “Раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети” деб ўзгартириш ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам буни кўрсатиб ўтиш мантиқан тўғри бўлади.

Қолаверса, “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида таълим турлари сифатида олий таълим (бакалавр ва магистратура), олий таълимдан кейинги таълим (таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчи) ва кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш (шу жумладан ушбу турга раҳбар кадрлар ҳам киради) белгиланган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг[9]. кундузги ва сиртқи таълим шаклларига номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш тартиби билан боғлиқ механизм яхши йўлга қўйилган, лекин ушбу механизмни янада такомиллаштиришга зарурати ҳам мавжуд. Шунинг учун бу соҳада мавжуд муаммоларни чуқур тадқиқ этиш зарурати долзарблигича сақланиб қолмоқда[10].

Бизнингча, ИИВ Академиясининг кундузги ва сиртқи таълим шаклларига номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилишда имкон қадар инсон аралашувини (омилини) камайтириш, очиклик ва шаффофлик тамойилини имкон даражасида таъминлаш зарур. Акс ҳолда, холислик йўқолиб, номзодларда норозилик кайфияти келиб чиқишига сабаб бўлади, оқибатда келажакда ишлаб чиқаришга (амалиётга) нолойиқ бўлган кадрлар билан таъминлашга тўғри келади. Чунки ўқишга қўш тирноқ ичидаги тасодифий кириб қолган номзодни ўқитиш билан чегераланиб қолинади.

Ички ишлар вазирлиги Академияси бакалавриятининг кундузги таълим шаклига номзодларни танлашда ёзма иш ўтказиш, умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш, чет тилларини ўзлаштирганликни баҳолаш, кимё ва физика фанларини ўзлаштирганликни баҳолаш, математика фанини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш, яқка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш методикалари, сиртқи таълим шаклига номзодларни танлашда ягона кўп балли имтиҳон тизими бўйича чет тилидан имтиҳонни баҳолаш мезонлари ва яқка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш методикасидан фойдаланилади.

Ушбу танловнинг айрим босқичларини ўтказишда тўғридан-тўғри инсон омили (аралашуви) юқори. Номзодларни ўқишга қабул қилиш жараёнлари холисона тарзда ўтказилганлигини номзодларни курсант сифатида ўқишга қабул қилингандан сўнг дастлабки кишки сессия натижаларига қараб ҳам баҳоласа бўлади. Иккинчидан, курсантларни ўқишни битириб жамловчи органларига юборилганидан кейин амалий фаолияти натижаларига қараб ҳам хулоса қилиш мумкин. Афсуски, иккала ҳолатдаги хулосалар ҳар доим ҳам ижобий бўлавермайди, халқимиз “гуруч курмаксиз бўлмайди” деганларидек мана шундай нолойиқ кадрлар ҳам борлиги ачинарлидир.

Бизнингча, фуқароларга Академияда ўтказилаётган қабул билан боғлиқ имтиҳон жараёнини очик ва шаффоф тарзда **Интернет тармоғида реал вақт режимида трансляция қилиш** [6] имкониятини яратиш билан бирга, номзодларнинг ота-оналари ва яқинларидан ҳар бир вилоятлар кесимида сони чегараланган ҳолда **вакилларнинг иштирокини таъминлаш** ҳам мақсадга мувофиқ [7]. Ёки бундан ҳам оптимал вариант номзодларни танлаш босқичларидан фақат дастлабки танловни жойлардаги жамловчи органлар ихтиёрига бериб (чунки жамловчи органлар қандай номзод юборишса, шундай номзодлар ишлашга қайтиб боради), қолган танловларни бекор қилган ҳолда тегишли фанлардан фақат тест шаклида катта очик майдонларда имтиҳон ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази зиммасига юклаш ўринли деб ҳисоблаймиз. Айнан шу йўл билан номзодларни ўқишга қабул қилишнинг янада очиклиги ва шаффофлиги таъминланади деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли олий ўқув муасасасида иккита асосий субъект, яъни курсант (тингловчи) ва профессор-ўқитувчилар таркиби ташкил этади. Ўқишга муносиб номзодларни танлаб олиш биринчи масала бўлса, уларни ички ишлар

органлари амалий фаолиятига сифатли ўқитиб тайёрлаш эса иккинчи ва асосий масала ҳисобланади

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Академияда ўқитишнинг модуль тизими жорий этилди. Ўқув режаси юкламаси (соатлари) Академияда ўқитиладиган 7 та мутахассислик йўналиши хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, жами 5 та модулга тақсимланди. Ҳар бир модул ўз ичига 18 ҳафтани қамраб олди. Бугунги кунда ўқув юкламаси тақсимотида, курсантларни 1-курсдан бошлаб мутахассислик ва юридик фанларни чуқурлаштирган ҳолда ўқитишга эътибор қаратилиб, жами ўқув юкламасининг 84 фоизини умумқасбий ва мутахассислик фанлари, 16 фоизини табиий ва гуманитар фанлар ташкил қилмоқда.

Шу билан бирга, ўқув жараёни жадвалига мувофиқ, таълим жараёни Академия базасида 3 ҳафта назарий таълим ҳамда амалиёт органларида 1 ҳафта базавий амалий машғулот тарзда ташкил этилди. Кундузги таълимнинг 3 йиллик бакалаврият шаклида ўқиш даври 152 ҳафтадан иборат бўлиб, шундан назарий ва амалий таълим учун ажратилган 114 ҳафтанинг 66 ҳафтаси назарий таълим, 48 ҳафтаси базавий амалиёт ва малакавий амалиёт учун режалаштирилди [8].

Фикримизча, Академияда модул ўқитиш тизимига ўтилиши бироз мантиқсиз деб ҳисоблаймиз. Чунки биринчидан, модул ўқитиш тизимига ўтиш масаласи, аввало олий таълим муассасасининг хусусиятидан келиб чиқиб ҳал этилиши керак, масалан Тиббиёт академиясида одамнинг ички аъзоларидан бевосита бир-бирига боғлиқ бўлган ўпка, жигар, буйрак ва юрак функциялари битта блокда яъни модулда, кулок, бурун ва томоқ функциялари иккинчи блокда ўқитилади ва ҳ.к.. Битта блок тугамасдан туриб, иккинчи блокдаги фанларга ўтилмайди. Иккинчидан, Академияда 7 та мутахассислик йўналиши бўйича ўқитиладиган мутахассислик, юридик, табиий ва гуманитар фанларни модулли тарзда битта блокка бирлаштириб ўқитиб бўлмайди, чунки ушбу фанларни бир-бирига боғлаш мантиқсиздир.

Шунингдек, аудитория ўқув машғулотлари ҳисобидан базавий амалиётни ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, курсант дастлабки тергов фанидан 10-мавзу, яъни юзлаштириш тергов ҳаракатини назарий жиҳатдан ўзлаштирди ва базавий амалиётга амалий томондан мустақамлаш учун борди, лекин кун давомида курсант бириктирилган терговчида бундай турдаги тергов ҳаракати ўтказилмади. Лекин терговчи томонидан кун давомида бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилди. Иккинчидан, курсантлар базавий амалиётга борганда улар маърифат хонада беҳудага вақтларини ўтказишга ёки мавзудан ташқари ёхуд мавзу доирасида айнан Академияда назарий томондан қандай маълумот олган бўлса, амалиёт ходимларидан такроран яна шу маълумотни олишмоқда. Қолаверса, тажрибали амалиёт ходимларининг базавий амалиётда кун давомида гуруҳларга машғулот ўтиши уларнинг нормал иш фаолиятини бироз бўлсада издан чиқаришга ҳам сабаб бўлмоқда.

Фикримизча, битирув олди иш ўрганиш амалиётининг ўзи ёки 2-ўқув курсидан бошлаб тушликкача курсантларни ўқитиб, тушликдан сўнг уларни Тошкент шаҳар туман ИИБларга амалиёт ўташ учун мустақил юбориш ва яқка тартибда мутахассис йўналишларидан келиб чиқиб, тажрибали ходимга бириктириш мақсадга мувофиқ деб уйлаймиз. Чунки курсант мустақил тарзда ҳаракатланиб ўзи амалиёт органига борса, ўша жойдаги муҳитни, вазиятни ўз кўзи билан кўриб, кузатиб ва тегишли хулоса қилиш кўникмасига эга бўлса, ўқишни битиргандан сўнг келгуси амалий фаолиятида фуқаролар билан хизмат юзасидан киришиб кетишга ва зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда қийналмайди. Бунда курсант ҳар ой якунида амалиётда олган амалий билими юзасидан мутахассислик йўналиши бўйича тузилган комиссияга ҳисобот бериб бориши талаб этилади. Амалиётда шахсий жавобгарликни зиммасига ололмаган, интизомни бузган, беҳудага вақтни сарфлаб, ҳеч қандай амалий билимга эга бўлмаган курсантларга нисбатан тегишли интизомий жазоларни ҳам қўллаб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3216-сон қарори (Resolution No. 3216 of the President of the Republic of Uzbekistan dated August 16, 2017 "On measures to radically improve the system of training, retraining and professional development of employees of internal affairs bodies").
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 2020 йил 23 сентябрь ЎРҚ - 637-сон (Law of the Republic of Uzbekistan "On Education". September 23, 2020 ORQ - No. 637).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2021 йил 15 апрелда “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5076-сон қарори (Resolution No. 5076 of the President of the Republic of Uzbekistan on April 15, 2021 "On measures to introduce a qualitatively new system of training professional personnel for internal affairs bodies").
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатдан янги тизими жорий этилганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг кундузги ва сиртки таълим шаклларига номзодларни танлаш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 1 декабрдаги 958-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 553-сон қарори (Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated September 28, 2022 "In connection with the introduction of a qualitatively new system of professional personnel training for internal affairs bodies" Decision No. 553 "On amendments and additions to Decision No. 958 of December 1, 2017").
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сон қарори (Resolution No. 304 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On measures to further improve the post-higher education system").
6. Маслов А.Е. О.А.Чурсин. Вопросы правового регулирования и организации профессиональной подготовки кадров органов внутренних дел по месту службы. Вестник Московского университета МВД России. № 10. 2015. С. 290-292 (А.Е. Maslov. О.А. Chursin. Issues of legal regulation and organization of professional training of personnel of internal affairs bodies at the place of service. Bulletin of the Moscow University of the Ministry of Internal Affairs of Russia. No. 10. 2015. P. 290-292.).
7. В.И.Михайлов. Актуальные вопросы профессионального отбора на службу в органы внутренних дел. Е.Н.Мазаник. Российский следователь. № 9. 2014. С.48-51. К вопросу о комплектовании кадров органов внутренних дел. Борьба с преступностью: теория и практика. Тезисы докладов III Международной научно-практической конференции. В 2-х частях Том. Часть 2. 2015. С. 276-278 (V.I.Mikhailov. Topical issues of professional selection for service in the internal affairs bodies. E.N. Mazanik. Russian investigator. No. 9. 2014. P. 48-51. On the issue of recruiting personnel for internal affairs bodies. Fight against crime: theory and practice. Abstracts of the III International scientific-practical conference. In 2 parts Vol. Part 2. 2015. P. 276-278).
8. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг таҳлилий маълумотномаси. 2021 йил (Analytical reference of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. 2021 year).
9. Кушбоқов Ш., Турниёзов Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истикболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55 (Kushbakov Sh., Turniyozov J. The perspective of legal regulation of professional culture and service discipline

of employees of internal affairs bodies //Development of pedagogical technologies in modern sciences. - 2023. - Т. 2. – no. 2. - S. 49-55).

10. Юлдашев Д. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклашга доир муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш //Юрист ахборотномаси. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 8-13 (Yuldashev D. Improvement of national legislative norms regulating relations on restoration of citizenship of the Republic of Uzbekistan // Lawyer's newsletter. - 2021. - Т. 2. – no. 3. - P. 8-13).



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH  
SPECIAL ISSUE-2

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000